

## PUDRAT SHARTNOMASI

*Бувайда тумани Хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси* номидан М.Ғофуров биринчи томондан ва бундан буён бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан "PREUM KLASS" МЧЖ номидан унинг раҳбари **Умурзоқов. Ф** низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Путратчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

### 1. Шартнома предмети.

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига асосан **Бувайда туман Хасанқўрғонча МФЙни кўча чироқларини жорий таъмирлаш** ишларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

### 2. Шартнома баҳоси.

2.1. Шартнома баҳоси **84 000 000** (саксон тўрт миллион) сўмни ташкил қилади.

### 3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30% миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи ҳисоб рақамига ҳақ ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун ҳисоб-китоб ҳар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний ҳисоб китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни баргаф қилишни ҳам қушиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга ҳақ тўланмайди.

### 4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1 бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.

4.2 Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тўлаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш муддати 2 ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия (Давлат комиссияси) томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади.

### 5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Пудратчи:

5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатида ишларни Буюртмачига 30 банк иш кунига топширилиши.

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш.

5.1.3. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш:

5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни куриқлаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.

5.2.2. Ушбу шартноманинг биринчи бўлимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда Пудратчига ҳақ тўлаш шарт.

5.2.3. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиши шарт.

5.2.4. Объект бинонинг ичкари қисмида жойлашган бўлса куриқлаш учун буюртмачи томонидан объектни куриқлаш учун масъул ходим бириктирилиши лозим.

## 6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 2 ойгача ҳақни тўлаб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,04% пеня тўлайди.

6.2 Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдоридан жарима тўлашига сабаб бўлади.

6.3. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05% пеня тўлайди.

6.4. Жами томонлардан ундирилган пеня сўммаси низоли сўмманинг 50% ошмаслиги лозим.

6.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

## 7. Форс-можор ҳолатлари

7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдида кура билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва хатолар унга қушиб уриш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир курсатиши ёки монейлик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йули билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

## **8. Низоларни хал қилиш тартиби**

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик судида кўрилишига тегишли бўлади.

## **9. Шартномага қушимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қушимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар иккала тараф имзолаган ҳолларда ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва конун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 3 ойдан кўпга ошиб кетганда: Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда;

9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тухтатиб турганда: Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқолганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## **10. Бошқа шартлар**

10.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари жихозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан кузланган ниятда шикас етказган ҳоллари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 1 йил кафолат муддати белгиланган.

10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси акс эттирилади.

10.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси курсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жихозларни ҳам қушиб камчиликларни бартараф қилмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг кучи билан харажатларни пудратчи тўлаши орқали бартараф қилишига ҳақли.

10.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади

хамда тарафнинг мазкур масала бўйича хужалик судига мурожаат қилиш ҳукукини истисно қилмайди

10.6. Пудратчи қурилиш объектини лойиха хужжатларини ёки унинг айрим қисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учунчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳукукига эга эмас.

10.7. Пудратчининг айби билан объектни қуриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товоқ тўланади.

10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхадан сакланади.

10.9. Тарафларнинг хоҳишлари бўйича бошқа шартлар.

10.10. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва "31" декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.

## 11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

**«PRIME CLASS 2022» МЧЖ**

**БУВАЙДА ТУМАНИ ХОКИМЛИГИ  
ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ**

Манзил: Бувайда тумани Гулобод кишлоғи

Манзил: Бувайда тумани Жалоер  
кишлоғи

Тел./факс: +998978112233

Тел./факс: 99-636-06-44

Х/р: 20208000905479390001

ШХР: 301821860302127065200110007

ИНН: 309199759

СТИР: 200162506

ОКОНХ: 41202

ОКОНХ: 97600

Банк номи: "Универсалбанк" Бувайда  
филиали

Ғазна ШХВ: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш.

Марказий банкнинг Тошкент ш. ХККМ

МФО: 01151

МФО: 00014    СТИР: 201 122 919

Раҳбар:

Ф. Умрзаков

Раҳбар:

М. Ғофуров .



м.ў.

- сонли шартномага  
ИЛОВА

## Коррупцияга қарши қоидаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1.Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки ташкилотининг номи) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони;

Телеграм-канал (*"@xxxxxxxxxxx"*);

(давлат органи ёки ташкилотининг номи) расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

### ТОМОНЛАР:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

**«PRIME CLASS 2022» МЧЖ**

**БУВАЙДА ТУМАНИ ХОКИМЛИГИ  
ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ**

Манзил: Бувайда тумани Гулобод кишлоғи

Манзил: Бувайда тумани Жалоер  
қишлоғи

Тел./факс: +998978112233

Тел./факс: 99-636-06-44

Х/р: 20208000905479390001

ШХР: 301821860302127065200110007

ИНН: 309199759

СТИР: 200162506


ОКОНХ: 41202

ОКОНХ: 97600

Банк номи: “Универсалбанк” Бувайда филиали

МФО: 01151

Раҳбар:



Ф. Умрзаков

Ҳазна ШХВ: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш.


Марказий банкнинг Тошкент ш. ХККМ

МФО: 00014    СТИР: 201 122 919

Раҳбар:

М. Ғофуров .

м.ў.

	Hujjat <b>elektron raqamli imzo</b> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	NAZIRJON TURSUNOV ABDUXALIQOVICH
	Imzolangan sana	26.10.2022 10:47
	Hujjat kodi	XC4464236056
	Hulosa kodi	HR2168665801

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

HR2168665801

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: BUVAYDA TUMANI KOMMUNAL FOYDALANISH KORXONASI tomonidan 26.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buvayda tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**SH.V.ABDURAXIMOV**

26.10.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 158807 на приобретение hasanqorgoncha MFY kocho chiroqlarini joriy tamirlash**

Способ проведения электронный

Дата 21.10.2022

Время рассмотрения 21.10.2022 11:55

Закупочная комиссия Бувайда тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ABDUXALIQOVICH NAZIRJON TURSUNOV	Rahbar	Obodonlashtirish
<b>Секретарь комиссии</b>	JUMAYEVA SURAYYO AKBARJON QIZI	Iqtisodchi	Obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	VOXIDOV SOBIRJON SOLLJONOVICH	ИОББ	0
<b>Член комиссии</b>	G'OPUROV MAXAMMADJON MADAMINJON O'G'LI	Bosh muhandis	Obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	YUNUSALIYEV RAVSHAN RAXIMJONOVICH	O S B B	Obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	DADABOYEV MURODJON TURG'UNOVICH	Ombor mudiri	Obodonlashtirish

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.10.2022 года № лота 158807.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 5

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по содержанию и текущему ремонту уличного освещения
Подробное описание	hasanqorgoncha MFY kocho chiroqlarini joriy tamirlash
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	87 000 000.00
Стартовая сумма	87 000 000.00
Валюта	UZS .

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида солик идорасини маълумотномаси хамда бажариладиган ишларга 1 йиллик кафолат

Тип: Текстовое значение

Описание: Карздорлик йуклиги тугрисида солик маълумоти хамда бажариладиган ишларга 1 йиллик кафолат

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PRIME CLASS 2022 MCHJ	10	Маълумотнома	10	Экспертная		
OOO ANAS FREE BUILD	10	бор	7	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО UY-JOY TA'MIR	10	бор	5	Экспертная		

Критерий №2 Корхонанинг тулик юридик манзил банк ва солик реквизити телефон раками гувоҳнома ва солик ИНН кредиторлик карздорлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва солик реквизитлар ҳамда карздорлик тугрисидаги маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PRIME CLASS 2022 MCHJ	10	Маълумотнома	10	Экспертная		
ООО ANAS FREE BUILD	10	бор	7	Экспертная		
ООО UY-JOY TA'MIR	10	бор	5	Экспертная		

Критерий №3 Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги ва уларнинг сони тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Зарурий техника ва моддий ресурсларини шунингдек ишчи ходимларни сони тугрисидаги маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PRIME CLASS 2022 MCHJ	10	маълумотнома	5	Экспертная		
ООО ANAS FREE BUILD	10	бор	10	Экспертная		
ООО UY-JOY TA'MIR	10	бор	5	Экспертная		

Критерий №4 Бажариладиган ишлар муддати сифатига кафолат фаолият тугрисидаги 1-2 шакллар маълумоти ҳисоб ракамдаги маблагнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Нуксон далолатномасида курсатилган ишларни сифатли бажарилиши ҳамда маблагининг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PRIME CLASS 2022 MCHJ	10	маълумотнома	10	Экспертная		
ООО ANAS FREE BUILD	10	кафолат	7	Экспертная		
ООО UY-JOY TA'MIR	10	бор	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО UY-JOY TA'MIR	87 000 000.00	86 500 000.00 UZS	86 500 000.00	00.00	86 500 000.00	20.10.2022 16:41:50	19.42197
ООО ANAS FREE BUILD	87 000 000.00	85 500 000.00 UZS	85 500 000.00	00.00	85 500 000.00	20.10.2022 11:45:34	19.64912
PRIME CLASS 2022 MCHJ	87 000 000.00	84 000 000.00 UZS	84 000 000.00	00.00	84 000 000.00	20.10.2022 11:05:10	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО UY-JOY TA'MIR	40	19.42197	59.42197
ООО ANAS FREE BUILD	62	19.64912	81.64912
PRIME CLASS 2022 MCHJ	70	20	90

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 158807 от 21.10.2022 года на приобретение hasanqorgoncha MFY kocho chiroqlarini joriy tamirlash определила победителем:

PRIME CLASS 2022 MCHJ  
309199759

и резервный исполнитель: ООО ANAS FREE BUILD (306434870)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ABDUXALIQOVICH NAZIRJON TURSUNOV	Согласен	
Член комиссии	VOXIDOV SOBIRJON SOLIJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	G'OPUROV MAXAMMADJON MADAMINJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	YUNUSALIYEV RAVSHAN RAXIMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	DADABOYEV MURODJON TURG'UNOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП